



**Ўзбекистон Республикаси номидан
Х А Л Қ И Л У В Қ А Р О Р И**

2023 йил 13 апрель 4-1107-2302/718-сонли иш Оҳангарон шаҳри

Оҳангарон туманлараро иқтисодий суди судья О.И.Мирзаев раислигида, судья ёрдамчиси А.Ўктамов котиблигида, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Тошкент вилоят бошқармасининг даъвогар “Қишлоқ қурилиш банк” АТБ манфаатида жавобгар “Оҳангарон томорқа хизмат” МЧЖ ва қўшимча жавобгар “Бехзод Шерзод фахри” фермер хўжалигига нисбатан, жавобгар “Оҳангарон томорқа хизмат” МЧЖ ҳисобидан 05.12.2019 йилдаги 1029-сонли кредит шартномаси бўйича 41.089 АҚШ доллари кредит қарзни (шундан, 24.213 АҚШ долларининг муддати ўтган) ва 566 АҚШ доллари муддати ўтган фоизни жами 41.655 АҚШ долларини ундириш, ундирувни қўшимча жавобгар “Бехзод Шерзод фахри” фермер хўжалигига тегишли JIN GONG LGM 755-MIL русумли, 2015 йил ишлаб чиқарилган, двигатель № 1212L0353420, кузов № JGM 755, сариқ рангли, давлат рақами 10 ВА 900 белгили юклагичга қаратиш тўғрисидаги даъвоси бўйича ишни даъвогар вакили С.Умирзоков (ишончнома асосида), (жавобгар ва қўшимча жавобгар вакили иштирокисиз) иштирокида ўз биносида очиқ суд мажлисида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Тошкент вилоят бошқармасининг даъвогар “Қишлоқ қурилиш банк” АТБ манфаатида жавобгар “Оҳангарон томорқа хизмат” МЧЖ ва қўшимча жавобгар “Бехзод Шерзод фахри” фермер хўжалигига нисбатан, жавобгар “Оҳангарон томорқа хизмат” МЧЖ ҳисобидан 05.12.2019 йилдаги 1029-сонли кредит шартномаси бўйича 41.089 АҚШ доллари кредит қарзни (шундан, 24.213 АҚШ долларининг муддати ўтган) ва 566 АҚШ доллари муддати ўтган фоизни жами 41.655 АҚШ долларини ундириш, ундирувни қўшимча жавобгар “Бехзод Шерзод фахри” фермер хўжалигига тегишли JIN GONG LGM 755-MIL русумли, 2015 йил ишлаб чиқарилган, двигатель №



1212L0353420, кузов № JGM 755, сариқ рангли, давлат рақами 10 ВА 900 белгили юклагичга қаратишни сўраган.

Суд мажлисида иштирок этган даъвогар вакили даъво аризасини тўлиқ қўллаб-қувватлаб, жавобгар томонидан кредитнинг асосий қарз ва фоиз тўловлари муддати бир неча марта бузилганлигини, суд мажлиси куни ҳолатида жавобгар томонидан кредит қарздорлик сўндирилмаганлигини таъкидлаб, суддан даъво талабларини тўлиқ қаноатлантиришни сўради.

Жавобгар вакили суд мажлисида иштирок этмади

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси (бундан кейин матнда ИПК деб юритилади) 128-моддасида, суд томонидан юридик шахснинг судга маълум бўлган охириги жойлашган ери (почта манзили), фуқаронинг яшаш жойи бўйича юборилган ажримнинг кўчирма нусхаси олувчи кўрсатилган манзилда йўқлиги сабабли топширилмаган ва бу ҳақда алоқа муассасаси судни хабардор қилган бўлса иқтисодий суд ишларини юритиш иштирокчисини суд томонидан тегишли тарзда хабардор қилинган деб ҳисобланишлиги белгиланган. Жавобгарга даъво аризасини иш юритишга қабул қилиш ва ишни суд муҳокамасига тайёрлаш тўғрисидаги ажрим даъво аризада кўрсатилган манзил бўйича юборилган бўлсада, ушбу ажрим жавобгарга хизмат кўрсатувчи алоқа бўлимнинг маълумотномаси билан қайтарилган.

Қўшимча жавобгар вакили суд мажлисида иштирок этмади. Иш ҳужжатларида унинг суд мажлиси куни ва жойидан хабардорлиги тўғрисидаги почта хабарномаси мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси (бундан буён матнда ИПК деб юритилади)нинг 170-моддаси иккинчи қисмида иш муҳокамасининг вақти ва жойи тўғрисида тегишли тарзда хабардор қилинган даъвогар суд мажлисига келмаса, даъвогарнинг ишни унинг йўқлигида кўриш тўғрисидаги аризаси бўлган тақдирда, учинчи қисмида иш муҳокамасининг вақти ва жойи тўғрисида тегишли тарзда хабардор қилинган жавобгар, учинчи шахслар суд мажлисига келмаса, низо уларнинг йўқлигида ҳал қилиниши мумкинлиги белгиланган.

Суд, ИПКнинг 170-моддаси иккинчи ва учинчи қисми талабларидан келиб чиқиб, ишни жавобгар, қўшимча жавобгар ва даъвогар Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Тошкент вилоят ҳудудий бошқармаси вакили иштирокисиз кўриб чиқиш мумкин деган хулосага келди.

Суд даъвогар вакилининг тушунтиришларини тинглаб, ишдаги ва қўшимча тақдим қилинган ҳужжатларни ўрганиб чиқиб, қуйидаги асосларга кўра даъвони тўлиқ қаноатлантиришни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси (бундан буён матнда ФК деб юритилади)нинг 234-моддасига асосан мажбуриятлар шартномадан, зиён етказиш натижасида ҳамда ушбу Кодексда кўрсатилган бошқа асослардан келиб чиқади.



Мазкур ҳолатда тарафларнинг мажбуриятлари кредит шартномасидан келиб чиққан.

ФКнинг 236-моддасига асосан, мажбуриятлар мажбурият шартларига ва қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ, бундай шартлар ва талаблар бўлмаганида эса - иш муомаласи одатларига ёки одатда қўйиладиган бошқа талабларга мувофиқ лозим даражада бажарилиши керак.

ФКнинг 333-моддасига асосан, Қарздор айби бўлган тақдирда мажбуриятни бажармаганлиги учун, агар қонун ҳужжатларида ёки шартномада бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, жавоб беради.

ФКнинг 744-моддасига кўра, кредит шартномаси бўйича бир тараф - банк ёки бошқа кредит ташкилоти (кредитор) иккинчи тарафга (қарз олувчига) шартномада назарда тутилган миқдорда ва шартлар асосида пул маблағлари (кредит) бериш, қарз олувчи эса олинган пул суммасини қайтариш ва унинг учун фоизлар тўлаш мажбуриятини олади.

Агар ушбу ФКнинг 41-бобининг 2-параграфи (Кредит) қоидаларида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса ва у кредит шартномасининг моҳиятидан келиб чиқмаса, кредит шартномаси муносабатларига нисбатан ушбу боб 1-параграфи (Қарз) нинг қоидалари қўлланади.

ФКнинг 735-моддасига асосан, Қарз олувчи олинган қарз суммасини қарз шартномасида назарда тутилган муддатда ва тартибда қарз берувчига қайтариши шарт.

ФКнинг 736-моддасига кўра, агар қонун ҳужжатларида ёки қарз шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, қарз олувчи қарз суммасини вақтида қайтармаган ҳолларда ушбу Кодекснинг 734-моддаси биринчи қисмида назарда тутилган фоизлар тўланган бўлишидан қатъи назар, қарз қайтариб берилиши керак бўлган кундан бошлаб то у қарз берувчига қайтариб берилган кунгача бу сумма юзасидан ушбу Кодекснинг 327-моддаси биринчи ва иккинчи қисмларида назарда тутилган миқдорда фоизлар тўланиши керак.

Агар қарз шартномасида қарзни қисмлаб (бўлиб-бўлиб) қайтариш назарда тутилган бўлса, қарз олувчи қарзнинг навбатдаги қисмини қайтариш учун белгиланган муддатни бузган тақдирда, қарз берувчи қарзнинг қолган барча суммасини тегишли фоизлар билан бирга муддатидан олдин қайтаришни талаб қилишга ҳақли.

Ишдаги ҳужжатларга кўра, банк ва "ОҲАНГАРОН ТОМОРҚА ХИЗМАТ" МЧЖ" МЧЖ ўртасида 2019 йил 5 декабрда 1029-сонли кредит шартномаси тузилган бўлиб, унга кўра банк 36 ой муддатга, 210 500 АҚШ доллар миқдорда кредит маблағи ажратиши, жавобгар эса олинган кредитни шартномада белгиланган муддатда ва шартларда қайтариш мажбуриятини олган.



Кредит таъминоти сифатида 2019 йил 19 декабрга гаров шартномасига асосан қўшимча жавобгар "БЕХЗОД ШЕРЗОД ФАХРИ" фермер хўжалигига тегишли бўлган JIN GONG LGM 755-MIL русумли, 2015 йил ишлаб чиқарилган, двигатель № 1212L0353420, кузов № JGM 755, сариқ рангли, давлат рақами 10 ВА 900 белгили юклагич гаровга қўйилган.

Кредит шартноманинг 4.3-бандига асосан қарздор томонидан кредитни қайтариш графигига риоя қилинмаган тақдирда банк кредитни муддатидан олдин қайтаришни талаб қилишга ва ундирувни кредит таъминотига қаратишга ҳақлилиги белгиланган.

Банк томонидан ўз мажбуриятлари бажарилиб, жавобгарга 210 500 АҚШ доллар кредит суммаси ажратилган, жавобгар томонидан кредитни қайтариш графигига риоя қилинмасдан, натижада 2023 йил 14 апрель куни ҳолатига 41 089 АҚШ доллар асосий қарзи, шундан (24 213 АҚШ доллар муддати ўтган асосий қарзи), 566 АҚШ доллар муддати ўтган фоиз қарздорлиги, жами 41 655 АҚШ долларни ташкил этиши аниқланди.

Юқоридагиларга кўра даъвогарнинг кредит қарздорликни ундириш талаби асосли бўлиб, жавобгар "ОҲАНГАРОН ТОМОРҚА ХИЗМАТ" МЧЖ" ҳисобидан даъвогар фойдасига 41 655 АҚШ доллар асосий кредит қарздорлик ундирилиши лозим.

Бундан ташқари даъвогар даъво аризасида кредит қарздорликни ундирувини гаровдаги мол-мулкларга қаратишни сўраган.

Мазкур кредит шартномаси бўйича кредит таъминоти сифатида 2019 йил 19 декабрга гаров шартномасига асосан қўшимча жавобгар "БЕХЗОД ШЕРЗОД ФАХРИ" фермер хўжалигига тегишли бўлган JIN GONG LGM 755-MIL русумли, 2015 йил ишлаб чиқарилган, двигатель № 1212L0353420, кузов № JGM 755, сариқ рангли, давлат рақами 10 ВА 900 белгили юклагичи гаровга қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми ва Олий хўжалик суди Пленумининг 2006 йил 22 декабрдаги "Кредит шартнома мажбуриятларидан келиб чиқадиган мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш тўғрисида"ги фуқаролик қонун ҳужжатларини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида"ги 13/150-сонли Қарорининг 23-бандига мувофиқ, ундирувни гаров нарсасига суд тартибида қаратишда суднинг қарорида гаровдаги мол-мулкнинг номи, жойлашган жойи кўрсатилиши лозим.

Юқоридагиларга кўра, суд даъвогарнинг даъво талабларини тўлиқ қаноатлантиришни, жавобгар "ОҲАНГАРОН ТОМОРҚА ХИЗМАТ" МЧЖ" ҳисобидан даъвогар фойдасига 41 655 АҚШ доллар кредит ва унга ҳисобланган фоизлардан бўлган қарздорликни ундиришни ва ундирувни гаровдаги мол-мулкка қаратишни лозим топади.

ИПКнинг 118-моддаси асосан, ишни кўриш билан боғлиқ суд харажатлари жавобгар зиммасига юклатилиши лозим.



Юқоридагиларга ҳамда ФКнинг 234, 223, 292, 735, 736, 744-
моддаларини, ИПКнинг 66, 72, 75, 118, 128, 170, 176-180, 186,192-
моддаларини қўллаб, суд

Қ А Р О Р Қ И Л Д И:

Даъво ариза тўлиқ қаноатлантирилсин.

Жавобгар "ОҲАНГАРОН ТОМОРҚА ХИЗМАТ" МЧЖдан:

- "ҚИШЛОҚ ҚУРИЛИШ БАНК" АТБ ҳисобига 41 655 АҚШ доллар кредит қарздорлик ва 30 000 сўм почта ҳаражатлари;
- Республика бюджетига 9 476 595,48 сўм давлат божи ундирилсин.

Кредит қарздорликни ундируви 2019 йил 19 декабрга гаров шартномасига асосан қўшимча жавобгар "БЕХЗОД ШЕРЗОД ФАХРИ" фермер хўжалигига тегишли бўлган JIN GONG LGM 755-MIL русумли, 2015 йил ишлаб чиқарилган, двигатель № 1212L0353420, кузов № JGM 755, сариқ рангли, давлат рақами 10 ВА 900 белгили юклагичига қаратилсин.

Ҳал қилув қарори қонуний кучга киргач, ижро варақалари берилсин.

Мазкур ҳал қилув қарори устидан бир ойлик муддат ичида апелляция тартибида шикоят қилиниши (протест келтирилиши) мумкин.

Судья

О.И.Мирзаев

